O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

**«Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт — жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият, маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи ва жонидир».**


SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2007-yil • 18-avgust • Shanba • 98 (27.743) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan


☑ ЎзХДП — хотин-қизларнинг мустаҳкам таянчи

**Кеча Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Фаол аёллар» қанотининг республика конференцияси бўлиб ўтди. Унда юртимизнинг барча ҳудудларидан сайланган делегатлар, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, қатор жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳаллалардан бир гуруҳ фаол аёллар иштирок этдилар.**



## ФАОЛ АЁЛЛАР

### ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА ЕТАКЧИ КУЧ

Конференция делегатлари дастлаб Мустақиллик ва Эзгулик монументини зиёрат қилиб, пойтахтимизнинг Бош майдонидаги бунёдкорлик ўзгаришлари билан танишдилар.

Маълумки, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини, давлат қурилишида кенг иштирокини таъминлашга қаратилган умуммиллий сиёсатни рўёбга чиқариш барчамизнинг устувор вазифамиз эканлиги алоҳида белгиланган эди. Айни шу масала «Фаол аёллар» қаноти конференциясининг бош мавзуси бўлди.

Конференцияда шу йил июнь-августь ойларида туман, шаҳар ва вилоятларда ўтказилган «Фаол аёллар» қаноти тадбирларининг якуни таҳлил қилинди. «Замонавий фаол аёл – юксак маънавият, ҳуқуқий саводхон ва сиёсий маданият уйғунлиги тимсолидир» мавзуи доирасида қанот ишларини жонлантириш, унинг галдаги вазифалари, ЎзХДП Дастуридан келиб чиққан ҳолда аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш баробарида улардаги ижтимоий-сиёсий фаоллик, ҳуқуқий маданиятни ошириш масалалари атрофлича муҳокама этилди.



Конференцияда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Латиф Ғуломов маъруза қилди.

— Партиянинг «Фаол аёллар» ҳаракати биринчи навбатда, ЎзХДП аъзолари ва партия электорати вакилларида онгли фуқаролик фаоллиги ва масъулиятини шакллантириш ҳамда унга тўла амал қилиш кўникмаларини тарбиялашга қаратилиши лозим, — деди нотиқ. — Мамлакатимизда барча фуқаро нафақат тенг ҳуқуқли, балки тенг масъулиятлидир. Бу барчамиз ўз конституциявий ҳуқуқларимизни англаган ҳолда, онгли, масъулиятли равишда улардан фойдалана олишимиз билан белгиланади. Бу йўналишда «Фаол аёллар» қаноти хотин-қизларда ҳуқуқ, эркинлик ва фуқаролик масъулияти нималардан иборат эканлигини нафақат тушунтириши, балки улардан амалда фойдаланишга кўмаклашиши керак. «Фаол аёллар» қанотининг партияни салоҳиятли кадрлар билан мустаҳкамлаш борасидаги иштироки ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Хотин-қизлар орасидан салоҳиятли етакчи-лидерларни аниқлаш, ЎзХДПнинг барча даражадаги сайланма органларида ишлаш ва келгусида депутатликка номзод сифатида тайёргарлигини таъминлаш қанотнинг муҳим вазифасидир.

2-бет

☑ Эътироф

Умар ал-САНЖАРИЙ:

## «АЛЛОМАЛАР ЮРТИ ҲАЙРАТГА СОЛДИ»

**Тошкент ва Самарқандда бўлиб ўтган икки кунлик халқаро илмий-амалий конференция ўз ишини якунлади. Унда қатнашган хорижлик мартабали меҳмонлар ушбу нуфузли анжуман Ўзбекистоннинг бой миллий-маънавий мероси ҳамда бугунги куни билан яқиндан танишишга имконият яратганини таъкидлашмоқда. Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал Баён» газетаси таҳририяти директори, марказий ТВ ходими Умар ал-Санжарий бизга ўз таассуротларини шундай ҳикоя қилади:**




— Менинг Ўзбекистонга иккинчи бор келишим. Ўтган йили ҳам келган эдим. Шу қисқа вақт ичида мамлакатингизда, хусусан, пойтахт Тошкент шаҳрида жуда катта ўзгаришлар бўлибди. Бу сафарим давомида бир нарсага аҳамият бердимки, сизда одамлар бир-бири билан қандай дўстона муносабатда бўлса, меҳмонларга ҳам худди шундай ҳурмат, эъзоз кўрсатаркан. Сўзларимни муболағага йўймангу, ҳақиқатда халқингиз маданияти бошқаларникидан устун экан.

Энди конференциядан олган таассуротларимга келсак, уни оддий сўз билан таърифлаш қийин. Анжуманда иштирок этиб, юртингизнинг ислом маданияти ривожига қўшган оламшумул ютуқларини ўз кўзим билан кўрганимдан бағоят бахтиёрман. Бу конференциянинг аҳамияти жуда катта. Чунки у Ўзбекистондай ажойиб мамлакатда, ҳам диний, ҳам дунёвий илмлар бобида оламга машҳур юртда ўтаётганининг ўзи бир шараф. Бу ерда эшитган маърузаларим менда катта таассурот қолдирди. Улар нафақат маъруза, балки илмий тадқиқотлар бўлиб, Ўзбекистонда ислом дини ривожига жуда катта эътибор берилаётгани, буюк аждодларнинг мероси ўрганилаётганидан яна бир далолатдир. Келгусида бу маърузалардан газетамизда ҳам фойдаланиш ниятим бор.

Шуни яна алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, Ўзбекистонда улуғ аждодларнинг ҳозирги авлодлари улар ишини давом эттираётганликларига гувоҳ бўлдим. Ва бу юртда янада буюк инсонлар етишиб чиқишига ишончим комил. Бу ерда нафақат улуғ уламолар, балки аниқ ва табиий фанлар ривожига ҳисса қўшган Ибн Сино, Улуғбек, Ал-Берунийдек сиймолар етишиб чиққанки, уларни етук олимларгина эмас, балки буюк инсонлар деб аташга ҳам ҳақлимиз. Бир сўз билан айтганда, минг эшитгандан кўра бир кўрган яхши экан. Алломалар юрти мени ҳайратга солди.

Ҳозир Ғарбдаги айрим мамлакатларда цивилизациялараро тўқнашув кечмоқда, деган қараш бор. Лекин айни пайтда цивилизациялараро зиддият эмас, балки мулоқот, яқин алоқалар кечаётганини дунёдаги кўплаб халқлар эътироф этишмоқда. Мана шу мулоқотларнинг энг яхши намуналаридан бири, бу юртингизда ўтган конференция бўлди. Чунки бу ерда динлараро бағрикенглик муҳити яратилган, ўзаро тотувлик, инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат халқингизнинг тарихий, миллий илдизлари билан туташиб кетган. Шу хулосалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, юртингиз «Ислом маданияти пойтахти» деган эътирофга ҳар тарафлама лойиқдир.

☑ Нон қадри



## КЎЗГА ТЎТИЁ АЙЛАНГ

**Яқинда халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини ёзиб олиш мақсадида Бухоро вилоятининг олис қишлоқларидан бирида сафарда бўлганимда қадимий ривоятларни сўйлайдиган кекса ровий Саттор бува Аҳмедов билан кўришдим. Япроқлари сокин шовуллаётган тераклар ёнидаги сўқмоқ бўйлаб борар эканман, аллақаердандир ҳозиргина тандирдан узилган noннинг ажойиб иси димоғимга урилиб, кўнглим қандайдир сирли бир ҳислар оғушида энтикиб кетди. Шунда улуғ бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоий номи билан боғлиқ ғаройиб бир ривоят ёдимга тушди.**

2-бет

## ФАРҒОНАДА АДАБИЁТ БАЙРАМИ




**Фарғона вилоятида Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллиги, Самарқанд шаҳрининг 2750, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган «Буюк юрт ифтихори» мавзуида адабиёт кунлари бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика маънавият тарғибот маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирларда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов раҳбарлигида бир гуруҳ қаламкашлар иштирок этди.

Учрашувларда сўзга чиққанлар мамлакатимизда истиқлол йилларида қўлга киритилган ютуқлар, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, хусусан, Самарқанд ва Марғилон шаҳарларининг юртимиз тарихида, жаҳон тамаддунида тутган ўрни ҳақида фикр юритдилар.

Шу кунларда ўзининг 2000 йиллигини кутиб олаётган Марғилон шаҳридаги учрашувлар ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Шоир ва ёзувчилар Марғилоннинг қутлуғ тўйи арафасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

— Марғилонни янада яшараётганини кўриб, чин дилдан қувондик, — дейди шоира Хосият Бобомуродова. — Бу шаҳар адабиёт, санъат ва миллий ҳунармандчилигимизнинг қадимий марказларидан бири сифатида маълум ва машҳурдир. Тарихий қадамжолар — Пирсиддиқ мажмуаси, Саид Хўжа Эшон мадрасаси, Жаҳон Отин Увайсий уй-музейи кўркам қиёфа касб этгани, янги-янги иншоотларнинг қад ростлагани қадимий ва навқирон шаҳар чиройига чирой қўшмоқда.

Фарғона вилоятининг бошқа шаҳар ва туманларида бўлиб ўтган учрашувлар ҳам адабиёт ихлосмандларида катта таассурот қолдирди.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## БАРХАНЛАР ОРТИДАГИ ШАҲАРЧА

### ҚОРОВУЛБОЗОР БУНДАН ЎН ЙИЛ МУҚАДДАМ САҲРО ҚЎЙНИДА МЎЪЖИЗАДЕК ҚАД КЎТАРГАН НАВҚИРОН КЕНТЛАРДАН БИРИДИР

Ҳа, бундан роппа-роса ўн йил муқаддам Қоровулбозор кенгликлари, аниқроғи, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган саҳрода Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг ишга туширилиши чиндан ҳам мўъжиза бўлганди. Ўшанда корхона қурилишида иштирок этган Франция, Америка, Туркия мамлакатларининг машҳур фирмалари, банк ва компаниялари бу кўҳна замин меҳнаткашларининг нималарга қодир эканликларини кўриб ҳайратда қолишди. Хусусан, Франциянинг «Текнип» фирмаси раҳбари Пьер Вайо заводнинг тақдимот маросимида шундай деганди: **«Европада бунақа завод 5-6 йилда қурилади. Қоровулбозорда эса атиги 3,5 йилда ишга тушди. Мўъжиза...»**

Дарҳақиқат, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг ишга туширилиши Ўзбекистон тарихида юз берган қутлуғ воқеалардан бири бўлди. Таъбир жоиз бўлса, ўшанда қип-қизил саҳро қўйнида тараққиётнинг янги бир намунаси яратилди. Корхонагина эмас, унинг атрофи кўкаламзор масканга — янги воҳага ҳам айланди, мўъжазгина шаҳарча вужудга келди.

— Йиллар ўтгани сайин корхонамиз мамлакат иқтисодиётида нақадар муҳим аҳамият касб этишини халқимиз бугун янада чуқурроқ англамоқда, — дейди завод директори, техника фанлари доктори, ХДП фаоли Шамшиддинхўжа Саидаҳмедов. — Буни биргина шу йилнинг ярим йиллик кўрсаткичлари ҳам исботлаб турибди. Бултургига нисбатан ўтган олти ойда нефть ва газ конденсатини қайта ишлаш суръати 117 фоизга ўсди. Жаҳон андозаларига мос келувчи юқори октанли бензин, авиакеросин, суюлтирилган газ ва бошқа хил маҳсулотлар ҳажми ошди.

Эришилган натижалар замирида моддий манфаатдорлик катта ўрин тутди. Ўтган ойларда ишлаб чиқарилган маҳсулотни ташқи ва ички бозорда сотиш эвазига 70 миллиард сўм даромад олинди. Бунинг 27 миллиард сўми соф фойда бўлди ва у табиийки, корхона ишчи-хизматчилари турмуши фаровонлашувига йўналтирилаяпти. Масалан, ўтган ярим йил ичидаёқ 4300 квадрат метрли 15 та коттеж калитлари корхона илғор ишчи-хизматчилари қўлига топширилди. Ҳозир яна шундай 20 та коттеж қурилиши ниҳоясига етмоқда. 225 ўринли маданият саройи қурилиши тугалланиш арафасида...

— Мустақилликнинг сўнгги йиллари давомида нефтчилар шаҳарчаси қиёфаси бутунлай ўзгарди, — сўзга қўшилди **корхона бошланғич партия ташкилоти раиси Нодир Тешаев.** — Ўнлаб турар жой бинолари, кўп тармоқли шифо маскани, ёзги дам олиш оромгоҳи, болалар спорти мажмуалари, ёшлар маркази сингари иншоотлар бунёд этилди. Қисқаси, барханлар ортида қад кўтарган шаҳарчамизда вояга етаётган ёш йигит-қизлар эндиликда Юртбошимиз даъватига жавобан касб-ҳунар коллежларида малакали мутахассис бўлиб етишмоқдалар...

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**




## ГУМАНИТАР СОҲАДАГИ САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

**Япония ташқи ишлар вазирининг парламентдаги ўринбосари, парламент депутати Мидори Мацушима хоним 17 август куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, олий ва ўрта махсус таълим вазири Рустам Қосимов билан учрашди.**

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик барча жабҳаларда, жумладан, фан, таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

М.Мацушима Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиёт, фан-таълим, маданият, айниқса, соғлиқни сақлаш жабҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларга юксак баҳо берди. Томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик давлатимиз раҳбарининг 2002 йили Японияга ташрифи чоғида имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнотга мос равишда ривожланиб бораётганини қайд этдилар.

Музокарада ҳамкорликда ўзаро манфаатли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида «Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институтини тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш» лойиҳаси имзоланди. Мазкур ҳужжат Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институтининг жарроҳлик ва диагностика бўлимларини техник жиҳозлар билан таъминлашни кўзда тутади.

Шу куни япониялик меҳмон Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**


O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган




## Ватан туйғуси

# АНГЛАШ ЛАҲЗАЛАРИ



...Бугун тонгда беш яшар ўғлимнинг дафъатан телевизорни ёқиб қолиши уйқумни бузди.

«Эй, жонининг қадрига етмаган бола-ей, ухламайсанми маза қили-и-иб?!» — дедим унга кўзимни ҳам очишга эриниб. У эса: «Дада, туринг, тез туринг! Боғча опамиз айтди, мадҳия айтилаётганда ҳамма ўрнидан туриши керак экан. Туринг сиз ҳам...» — деса бўладими.

Нима дейишимни билмай, бир зум довдираб қолдим. Ростдан ҳам бу вақтда «Ассалом, Ўзбекистон!» кўрсатуви юртимиз мадҳияси билан бошланаётган эди. Тўғриси, уйқумдан кечолмай ётганимга уялиб кетдим. Дарҳол ўрнимдан туриб, ўғлим билан бирга мадҳияни охиригача тингладик...

Кимдир айтиши мумкин, бу ўзини ватанпарвар кўрсатмоқчими, деб. Аслида ҳаммамиз ватанпарвар бўлишимиз шарт! Ахир салкам ўн олти йилки, ҳар тонгда мени, сизни, барчани улуғ маъво — Ўзбекистонимизни севмоққа, қадрламоққа даъват этувчи чорлов радио-телевизор орқали янграйдику! Буни қарангки, ўзи англаб-англамаган ва менинг хижолатимни сезмаган ҳолда мурғаккина ўғлим менга Ватан ҳиссини қай тарзда улуғлаш кераклигини яхшилаб эслатиб қўйди.

Аслида Ватанни англаш турли манзараларда, жараёнларда акс этади. Ватанни «Ватан» сўзини тилга олмай туриб ҳам севиш, қадрлаш, унинг жамолини таъриф этиш, у ҳақда узоқ гапириш ва албатта, ҳимоя қила олиш мумкин.

Қўшработнинг Оқтов тоғи этакларида Қоратош деган қишлоқ бор. Шу ерда яшовчи Иззатилла исмли муаллим йигит ҳар гал борганимда тоғ лолалари шаҳарлик меҳмонларнинг кўнгилхушлиги қурбонига айланаётганидан куюниб гапиради. Шу йил баҳорда қишлоққа борганимда уни ўз ўқувчилари билан тоққа чиқиб, кўчат экиб қайтаётганида учратиб қолдим. Ҳар бир бола 5-10 тадан дарахт кўчати ўтқазибди. Мана сизга, бу улуғ сўзни тилга олмасдан Ватанни англашнинг оддий йўли!

Кўп кўрамиз, халқаро футбол ва бошқа спорт мусобақаларида давлат мадҳиялари янграганда терма жамоа аъзолари, ишқибозлар қўллари кўксида, кўзларида ёш милтиллаганча мадҳияга жўровоз бўлишади. Бу кўз ёшлар ишқибозлик ҳаяжонидан-да дерсиз. Бўлса бордир. Лекин бу ҳолатни айнан кўз очган муқаддас тупроқни, демак, куну тун номини айтиб улуғловчи Ватанни жон қадар севмоқ, эъзозламоқ, деб тушуниш керак. Азбаройи футболга бўлган муҳаббат ишқибозларни стадионга михлаб қўйди, деганимизда ҳам унутмаслик керакки, худди шу футбол ортида, шу футболчилар ҳимоясида юрт шаъни, ғурури ётади. Шу боис қай бир давлатнинг мадҳияси янграса-да бутун стадион тик туради...

**Қувондиқ.**

## Кўнгил мулки

# СУЮК ТИМСОЛИДАН СЎЗЛАНГ АЁЛНИНГ



*Бағрининг кенглиги осмон қадардир,*
*Меҳр-муҳаббати уммон қадардир,*
*Покиза тимсоли имон қадардир,*
*Суюк тимсолидан сўзланг аёлнинг.*

*Сиз унинг мансаби, унвонин айтманг,*
*Эл ичра шуҳрати ва шонин айтманг,*
*Қирқта жони, минг бир имконин айтманг,*
*Фазлу-камолидан сўзланг аёлнинг.*

**Ҳаётхон ОРТИҚБОЕВА.**

## Сабоқ

# «МИНГ БИР ҲАДИС»ДАН НАМУНАЛАР

**«Хотинларга энг қимматли киши — ўзининг эри, эрларга энг қимматли киши — унинг онасидир».**

✧✧✧

**«Бир кишида ушбу уч турли нарса бўлса, Аллоҳ таоло у кишидан рози бўлиб, жаннатга киритади: заиф мискинларга раҳмдил, ота-онага меҳр-шафқат кўрсатса, ўзининг қўл остидаги хизматчиларга яхшилик қилса».**

✧✧✧

**«Аллоҳ таоло олдида тўғри сўздан ҳам ортиқроқ савобли садақа йўқдир».**

✧✧✧

**«Жаннатга кираман, деган одам оналарнинг ризолигини олсин».**

✧✧✧

**«Ҳаёли, одобли бўлмоқ ҳар вақт хайрли ишларга сабаб бўлур».**

✧✧✧

**«Сахий кишиларнинг таоми шифодир, бахил кишиларнинг таоми хасталикдир».**

✧✧✧

**«Илм истамоқ ҳар бир мусулмонга фарздир».**

## Нима дейсиз?

# АСАБИНГИЗ БУЗИЛСА...



**«Асабийлашаяпсизми? Фалон дорини қабул қилинг, фалон дори ёрдам беради!» каби теле ва радиорекламаларга деярли ҳар куни гувоҳ бўласиз. Билмадик, бу дорилар қанчалик ёрдам беради. Ҳар ҳолда, шифо одамнинг нимадан қай даражада асабийлашишига ҳам боғлиқ бўлса керак. Хуллас, биз асабнинг шифоси ҳақида эмас, кундалик турмушда қайси халқ асабий ҳолатдан чиқиш учун одатда кўпроқ қандай омилларни танлаши ҳақида айрим маълумотларни келтирмоқчимиз.**

Кузатувларга кўра, **инглиз**лар асаблари бузилганда уйқу билан ўзларини тинчлантиришар экан. Чунки уйқу пайтида инсон тана аъзолари бўшашиб, дам олади.

**Француз**лар шароб ичиб, ўз асабларини тартибга солишар экан. Бунинг учун тушлик пайтида бир қадаҳ қизил шароб кифоя қиларкан.

**Япон**лар эса асабни тинчлаштиришнинг антиқа усулини қўллашар экан. Ҳадеб жиғларига тегадиган, таъбларини хира қиладиган шахсларнинг қўғирчоқларини ясаб олиб, уни дўппослаб хуморларидан чиқишаркан.

**Африка**да чақалоқлар қулоқларининг маълум жойларини тешиб қўйиш одатга айланган экан. Шундай қилинса, уларнинг келажакда турмушда дуч келинадиган нохушликларга анча бардошли, оғир, вазмин бўлиб улғайишларига ишонишаркан.

**Шарқ**ликлар эса уқалаш муолажалари, хушбўй атирлардан баҳрамандлик ва дилрабо куй-қўшиқлар эшитиш билан асабларини даволашади...

Хўш, қайси халқнинг асаббузарликдан қутилиш усули энг адолатли ва қулай экан. Албатта, бу ҳақда сизнинг шахсий фикрингиз ва хулосангиз бўлиши, табиий. Нима дейсиз? Сиз онгли, ақлли ва маданиятли инсон сифатида қай бирини танлайсиз? Бизга ўз фикр-мулоҳаза, қолаверса, хулосаларингизни ёзиб юборинг.

## Йўғ-е, наҳотки?



# ФИЛ ТИЛГА КИРДИ

***Бу дунёнинг мўъжизалари кўп. Жанубий Корея ахборот агентликлари тарқатган хабарга кўра, Йонгин шаҳридаги ҳайвонот боғида яшаётган «Паҳлавон» лақабли фил кутилмаганда... гапира бошлаган. Уни биринчилардан бўлиб филга қараб юрган хизматчи Ким Йонг пайқаб қолган.***

Ким филга овқат бераётганида «яхши» деган сўзни эшитган. Аслида ҳайвонот боғида қабул қилинган тартибларга кўра, жониворларга халақит бермаслик мақсадида одамлардан ҳоли, бемалол овқатланишлари учун томошабинлар киритилмайди. Ким Йонг овоз қаердан келди экан, деб атрофга аланглайди. Ҳеч ким йўқлигини кўргач, шундай туюлгандир, деб ўйлайди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай яна ўша сўзни эшитади ва филнинг гапираётганини пайқаб қолади. Ҳозирча фил ўнта сўзни билади. Уларни қўшиб эмас, бетартиб тарзда такрорлайверади. Шунга қарамасдан ҳайвонот боғидаги филнинг гапира бошлаганини эшитган одамлар оқиб келишмоқда, — дея хабар қилади ахборот агентликлари. Табиатда филларнинг гапириши илк бора учрамоқда. Шу сабабли ҳам мамлакатдаги жуда кўплаб ҳайвоншунослар, илмий текшириш институтлари филнинг устида тадқиқотлар олиб бориш учун сўровнома билан мурожаат қилганлар. Лекин жониворнинг асосий хўжайини ҳисобланган ҳайвонот боғи маъмурияти бу «таклиф»ни рад этмоқда. Сабаби аниқ — фил гапира бошлагандан кейин томошабинлар сони кескин ошди. Бундай фойдадан ким ҳам маҳрум бўлишни истайди, дейсиз.

Азиз газетхон, албатта сиз ҳам филларни цирк ёки ҳайвонот боғида кўргансиз. Унинг қандай овоз чиқаришини биласиз. Филнинг гапириши ҳақидаги маълумот сизни қанчалик ҳайратга солди, бир нарса дейиш қийин. Чунки сиз корейс сериалларини ҳам кўп томоша қиласиз. Балки филларнинг овозларида корейсча сўзларга яқин товушлар чиқиб туриши унчалик ажабланарли эмасдир. Мабодо, филлар ўзбекча гапириб юборса-чи? Сизу биз учун чинакам ҳайратли ҳодиса ҳисобланарди, нима дедингиз?!

**Моҳинур ҚОДИРОВА.**




**Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.**

## Миллий қадрият

# ҒОЛИБ КЕЛГАЙДИР СУКУТ



Никоҳ тўйи арафасида қудалар Санам момом ёнига келишиб, «фарзандларимизни дуо қилинг, сизлардек аҳил яшашсин», дейишаркан. Чунки қишлоғимиздагиларнинг айтишларича, момомиз бобом билан узоқ йиллар бирга умр кечириб, ақалли бирор марта жанжаллашишмаган экан.

— Раҳматли бобонг хўб яхши одам эдию, лекин жаҳли нақ бурнининг учида турарди, — дейди момом. — Дарвозадан киришлари биланоқ пешвоз чиқардим. Агар ғазаби қўзиб турган бўлса дарров рўмолим билан оғзимни ёпиб олардим...

Ўйланиб қоламан. Демак, юз билан юзлашиб турган бу момом турмуши давомида минг бир ташвишу муаммога рўбарў келган, ҳаммасини сукут билан енгиб ўтган экан.

Дарҳақиқат, кимдир бизни бесабаб койиса, аччиқ ёки ноўрин сўзлар айтса, унга қарши ҳужумга ўтмасдан босиқлик билан иш тутишни, жаҳлга сукут билан жавоб беришни уддалай олармикинмиз? Агар бир мартагина шундай қилсак борми, жаҳлдор одам шаштидан тушади, қаршимизда хижолат тортади, нигоҳидаги қаҳр ўрнини ақл эгаллайди. Қаранг, бир зум жим турмоқликнинг мукофоти шунчалик катта экан!

Бугунги кунда кўча-кўйда тилига эрк берадиган, ёнидагиларга бақириб-чақириб, ҳатто уятли сўзларни айтишни ор билмайдиганлар борлиги кишини ранжитади. Лекин бирортамиз уларга, «ҳой, секинроқ, ён-атрофда ёш болалар, катта ёшлилар бор, тилни тийинг, биродар», дейишга шошилмаймиз. Аслида, сўзлашда ҳаёсини йўқотган одам бир ёмон ишни қилиб қўйган киши билан тенгдир. Ёмон ишни қилмоқликдан уялмаган киши бундан ҳам ёмонроғига ўтиши ҳеч гап эмас.

Бир ҳамкасбим шундай воқеани гапириб берганди:

— Хизмат сафарига кетаётиб, хона калитларидан биттасини фаррошга қолдирдим. «Иш столимни артиб-тозалаб, гулларга вақтида сув қуйиб турарсиз», дедим. Бирор ҳафтача ўтиб, қайтсам, хона ичи чанг, гуллар сувсизликдан сўлиёзган... Йўлакда фаррош аёлнинг оҳиста шарпаси эшитилди. Унга қаттиқ-қуруқ гапларни айтиш учун ғазаб билан эшикдан чиқаётсам, қўшни хонадаги йигит ёнимга кирди. «Фаррошимиз бугун ишга чиқибди. Бечора яқинидан айрилиб, ёлғиз қолди. Юринг, кўнгил сўраб чиқайлик» деди. Унга эргашдим. Аёлга таскин-тасалли сўзларини айтарканмиз, мени ўз вақтида жаҳлдан, яъни гуноҳга қолмоқдан қутқарган ҳамкасбимга ичичимдан раҳмат айтдим. Сукут қилмоқликнинг хосиятини минг йилларча аввал Суқрот ҳам айтиб ўтган. Ёзма манбаларда келтирилишича, Суқротнинг завжаси Ксантиппа ўта баджаҳл бўлган, қилдан қийиқ ахтариб эртаю кеч жаврагани жавраган экан. Одамлар Суқротдан «Сиз бунақа аёл билан қандай муроса қилиб юрибсиз?» деб сўрашса, у «Ксантиппа бир лахча чўғ, мен ўз сукутим билан шу чўғнинг олов олишига йўл қўймайман. Яъни менга тинмай қарғиш ёғдирса-да индамайман, қарабсизки, бир зумда жала тиниб, дарров қуёш чарақлайди» дея жавоб беракан.

Демак, жим турмоқлик кишини қийин ҳолатга тушишдан қутқаради, ўзаро низолар чекиниб, асаббузарлик ўрнини муроса эгаллайди. Шу йўсинда ҳар икки томоннинг шаънига путур етмай, обрўси сақланади.

Қадимгилар бежизга айтишмаган:

***Сиҳат тиласанг кам е,***
***Иззат тиласанг кам де!***

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.**

## Интер-спорт

# КУБА БОКСЧИЛАРИ ЧЕМПИОНАТГА БОРМАЙДИ

*Куба терма жамоаси АҚШда шу йилнинг 18 октябридан 3 ноябригача ўтказиладиган жаҳон чемпионатида иштирок этмаслиги мумкин. Бу ҳақда мамлакат президенти Фидель Кастро баёнот берган. Терма жамоанинг нуфузли мусобақада иштирок этмаслиги кубалик боксчиларнинг бошқа мамлакатларга кетиб қолишларига барҳам бериш билан боғлиқ экан. Мамлакат раҳбари терма жамоа таркибини ўзгартириш, бўлиб ўтган нохуш воқеаларга жиддий муносабат билдириш ҳақидаги фикрини айтган. Ваҳоланки, бу жаҳон чемпионати келаси йили Пекинда ўтказиладиган Олимпия ўйинларига кучлиларни саралаш босқичи саналади. Гап шундаки, Куба президенти терма жамоа аъзоларидан Гильермо Ригондо билан Эрисланди Ларининг Панамерика ўйинларидан кейин Бразилияга қочиб кетганини кечиролмаяпти. Албатта, бу ҳар иккала бокчси ўз вақтида Кубага қайтариб келинган. Улар энди терма жамоага аъзо бўлолмайдилар.*

## Газетамизнинг 11 август сонидаги изоҳсиз суратга жавоблар



✧✧✧

*«Бақа-бақа балпоқ,*
*Бошинг нега ялпоқ?*
*Тикиб берсам бошингга,*
*Киярмисан қалпоқ?»*

**Алписбой Ибодуллаев,**
**Нукус шаҳри.**

✧✧✧

*«Сен билан бир эсдаликка расмга тушсам, майлими?».*

**Феруз МАҲМУДОВ,**
**Бухоро шаҳри.**

✧✧✧

*«Нима бўлди, сениям тишинг оғридими? Юр мен билан дўхтирга!»*

**Жавоҳир ЭРГАШЕВ,**
**Чуст тумани.**

✧✧✧

*«Вой-вуй, манавини қаранглар, кимсан ўзи?*
*Томмисан, йўқ, Жимми, ўхшамайсан. Топдим — сенчи, овқатимиздан уриб қоладиган боғчамизнинг қорни катта ошпазининг худди ўзисан».*

**Ўғилой ЖОМАШЕВА,**
**Бўстонлиқ тумани.**

✧✧✧

*«Хафа бўлдингми сен,*
*Мендай боладан.*
*Ўзим қутқарайми,*
*Ҳайкал — балодан.»*

**Дилором ОЧИЛОВА,**
**Урганч шаҳри.**

✧✧✧

*«Музқаймоқ емадим, сен ҳам ҳеч нарса кўрмадинг, хўпми?*
*Туя кўрдингми? Йўқ, дегин».*

**Зулхумор ҚОДИРОВА,**
**Қарши.**

## Қандай изоҳлайсиз?



**Саҳифани Норқобил ЖАЛИЛ ва Қувондиқ СИДДИҚ тайёрлади.**

**BOSH MUHARRIR:**
Safar OSTONOV

**TAHRIR HAY`ATI:**
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Partiya hayoti — 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Huquq — 136-76-21
Ekologiya va salomatlik — 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

**MANZILIMIZ:**
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV

*Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.*
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 749
8253 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 20.40
Topshirilgan vaqti — 22.00
2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda